



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 178 (8918).

1986 йил
17 сентябрь,
чоршанба

Баҳоси 3 тийин

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

Улуғ Октябрь шарафига

«АВВАЛГИДАН яхшироқ, бўлиб хизмат қилмоқда. Қўп-
аввалгидан арзонроқ ва ав-
валгидан кўпроқ ишлаб чи-
қариш керак!», КПСС Мар-
казий Комитетининг Совет
Иттифони меҳнаткашларига
Мурожаатномасидagi бу
сатрлар бугунги кунда Тош-
кент тўқимачилик комбинати
коллективининг широри ай-
ланган. Корхонанинг барча
ишлаб чиқариш участкалари-
да беш йилликнинг дастлаб-
ки йили учун олинган со-
циалистик мажбуриятлари
муваффақиятли бажариши
учун мусобақа ани олмоқда.
Меҳнат беллашувининг тўғ-
ри ташкил этилганлиги кор-
хона ютуғида асосий омил

В. МАДИМАРОВА.

Ҳам пухта, ҳам тежамли

«Ташэлектромаш» заводиди ишлаб чиқарилган
янги маҳсулот «аёло» баҳо олди. Бу ерда пайванд-
лаш аппаратлари учун янги модификациядаги транс-
форматорларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.
Бу трансформаторлар аввалгиларга нисбатан кўп-
роқ иш бажара олади. Уларнинг ёрдамида қора ва
рангли металлларни, юзга тунукаларни пайвандлаш
мумкин. Махсус мослама иш вақтида доимий ток-
дан ҳам, ўзгарувчан токдан ҳам фойдаланиш имко-
ни беради. Натияжада электр энергия тежабди,
пайвандлаш ишлари пухтароқ бажарилади. Фақат
битта аппаратни қўлланишнинг ўзи йилга 850 сўм-
дан зиёд иқтисодий самара беради.
Бу янги маҳсулот Киевда, Украина ССР Фанлар
академиясининг Е. А. Патон номи электр пайванд
илмий тадқиқот институтида ясалган. Олимлар бил-
лан электр машинасозларнинг ҳамкорлиги янгилик-
ни жорий этиш вақтини нормадагидан икки баравар
камайитириш имконини беради.
«Ташэлектромаш» бу йил буюртмачиларга янги
трансформатордан 200 та, шаласи йилда 500 та
жўнатибди. Украина олимлари билан янги шартнома
тузилибди: ҳамкорлик бутун беш йил ичда давом
этади.

(ЎзТАГ мухбири).

Чорак асрлик кафолат билан

Тошкентдаги «Компрес-
сор» заводи ўзининг янги
машинаси чорак аср мобай-
нида авариясиз ишлашга
кафолат берди. Бу корхона-
да мамлакатда биринчи бу-
либ принцип эътибори бил-
лан янги машина-хавони ку-
руқ ҳолатида қисмий стан-
цияси ишлаб чиқариш ўз-
лаштирилди. Бу янги маши-
нанинг асосий хусусияти
шунданки, ундан чиқаётган
ҳаво мутлақ тоза бўлиб,
унинг таркибиде ёғ бўғлар-
нинг зарарча ҳам аралаш-
маси йўқ. Бундай компрес-
сорлар нововийлик, озик-ов-
қат, тўқимачилик сингари
кўп тармоқлар, пневматик
почта системаси учун зарур-
дир.
Ишлаб чиқаришни модер-
низациялаш туфайли маши-
носозлар маҳсулот сифати-
ни яқин ошаришга эриш-
дилар. Бу корхонада энг
муҳим ишларни бажариш
электрон техника «зимма-
си»га юклатилди. Бу тех-
ника ишловнинг ишчи-пух-
та ва аниқлигини таъмин-
лади. Рақамли программа
билан бошқариладиган фре-
зер станоклари икки смена-
да ишлатилмоқда. Ана шун-
дай токарь автоматлари
участкани учун ҳам програм-
ма билан иккинчи сменада иш-
ловчи операторлар тайёр-
ланмоқда. Мураккаб детал-
ларнинг «қиефаси»ни за-
воддаги электрон ҳисоблаш
машинаси ҳисоблаб чиқмоқ-
да. Яқинда юқори даражада
механизациялашган бўйла-
куртиш комплекси ишга со-
линди.
Корхонада беш йилликка
мўлжалланган техникавий
қайта жиҳозлаш программаси
ишлаб чиқилган. Энг янги
прогрессив техникани уч
сменада ишлатиш асосий
фондларнинг самарасини
оширишга хизмат қилади.
Беш йиллик охирига келиб,
модернизация ниятсизига ет-
ганида «Компрессор» заводи
ниҳоятда пишиқ-пухта ма-
шиналар ишлаб чиқаришга
тўла-тўқис ўтади. Ҳозир эса
мамлакатимиздаги кўпгина
иттифоқдош республика-
ларга 160 та шундай стан-
циялар тайёрлаб жўнатиш
планлаштирилди, бу стан-
цияларнинг конструктивни
иқозондаги «Компрессор»
заводининг инженерлари
ишлаб чиқилган.

(ЎзТАГ мухбири).

Рационализаторлар таклифи асосида

ТОШКЕНТДАГИ «Ўз-
бексельмаш» заводида вен-
тиляция системаларидан
фойдаланиш янада тежамли
ва қулай бўлиб қолди. Кор-
хона рационализаторлари-
нинг таклифига биноан вен-
тиляторларнинг созловчи ре-

(ЎзТАГ).

10 ЗАРБДОР ҲАФТА!

ШУ ЙИЛ ноябрь ойида
Серго Оржоникиде туғил-
ган кунинг 100 йиллиги
нишонланади. Ана шу сана
муносабати билан «Комму-
низм» колхозин «Серго Ор-
жоникиде таваллудининг
100 йиллигига — 10 зарб-
дор ҳафта!» широри остида
ташаббус билан чиқди. Ай-
ни кунларда райондаги бар-
ча колхозлар, совхозлар,
ташкilot ва муассасалар
коллективлари бу ташаббус-
га қўшилган ҳолда меҳнат
қилмоқдалар. Ўзaro соция-
листик мусобақани авж ол-
дирмоқдалар.
Ҳозир зарбдор ваҳтанинг
тўртинчи ҳафтаси давом эт-
моқда. Олдинги ҳафта яку-
нида кўра йиллик планнинг
7 проценти миқдориде саба-
зан маҳсулотлари тошпи-
рган ташаббускор колхоз
меҳнат аҳли ғолиб деб то-
пилди.

Оржоникиде райони.

ФЕСТИВАЛЬ ОЧИЛДИ

тиёр Афғонистон учун кураши
билан бирдандилар.
Афғонистон делегациясининг
бошлиғи, Афғонистон демок-
ратик ёшлар ташкилоти Мар-
казий Комитетининг биринчи
секретари Фарид Маздак де-
легация номидан сўзга чиқди.
Фестивалнинг тантанали очи-
лишида Ўзбекистон Компар-
тияси Марказий Комитетининг
иқтисодий секретари В. П. Анис-
ев, Ўзбекистон ССР Минис-
трлар Совети расмининг ўрин-
босари С. У. Султонова ишти-
рок этдилар.

(ЎзТАГ).

БУЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ!



● МАНЗУРА Эргашева
Бўка районидagi «Кремль»
Меҳнат Каҳрамони Мария
Ковалева бошчилиқ қилаёт-
ган бригадасининг илғор те-

ришчиси. У аини кунларда
120—130 килограммга ет-
казиб пахта термоқда. Ман-
зура мавсум охиригача 7 тон-
налик хирмон уйишга аҳд
қилган.



● ПИСКЕНТ районидagi
«КПСС XXVI съезди» сов-
хозининг Суроб Боймуродов
бошчилиқ қилаётган комсо-
мол-ёшлар бригадаси зарш-
нослари «оқ олтин» терими-
ни кундан-кунга қизитиб бо-

ришляпти. Кўпмингкилограмм-
чилар ўртасидаги мусобақа-
да Муҳаммад Эшонкулова (су-
ратда) пешқадамлик қила-
ётир. У кунига 100 кило-
граммдан ошариб пахта тер-
моқда.

● ОБЛАСТИМИЗНИНГ
бир гуруҳа илғор пахтакор-
ларининг ташаббусига қў-
шилган Чиноз районидagi
«Ўзбекистон ССР 30 йилли-
ги» колхозининг Турсунбой
Темиров етакчилигидаги
коллектив бу йил ҳар гек-
тар ердан 35 центнердан
«оқ олтин» йиғиштириб
олиш учун курашмоқдалар.
Айни кунларда бригадда
қўл терими уюшқоқлик би-
лан бораляпти. Суратда: бри-
гада бошлиғи Т. Темиров
илғор теримчилар Л. Қирғи-
залиева (чапда) ва Ф. Мур-
одовлар билан ҳосил сифа-
тини кўздан кетиришмоқда.

А. Зуфаров фотолари.

ТОШКЕНТЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ЎҚИШГА КИРИШДИЛАР

ИВАНОВО, 14 сентябрь.
Ивановоликлар билан мусо-
бақадosh Тошкент облас-
тининг ўрта мактабларини би-
тириб чиққан йигит ва қиз-
ларнинг катта бир отряди
комсомол йўлланмалари бил-
лан Советларнинг биринчи
Ватанига етиб келди. Йигит
ва қизлар энг яхши ҳунар-

(ТАСС).

Тошкент янги демократик
Афғонистон учун курашчилар
— ёш ишчилар, деҳқонлар,
хунарандлар ва студентлар-
ни ҳушудлик билан кутиб
олди. Улар совет ва афғон
ёшлари дўстлиги фестивалига
келишди. Аэропортда меҳмон-
ларни Ўзбекистоннинг йигит-
қизлари, Апрель революцияси
ғалабаларини қаттиқ туриб ҳи-
моя қилишда дўст халқка ёр-
дам берган йўлдошларнинг
жангчилар табриклан кутиб
олдилар.
Икки мамлакат ёшлари Со-
вет Ўрта Осиёсининг меҳмон-
дўст диверсия иккинчи марта
урашмоқдалар. Биринчи дўст-
лик анжумани бундан икки
йил илгари Душанбе шаҳрида

ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ОШИРАЙЛИК

«ҲОСИЛ — 86»



ОБЛАСТЬ МАТБУОТ
МАРКАЗИ

ОХАБАР ҚИЛАДИ

ОҚҚЎРГОН

● «ЛЕНИНИЗМ»
колхозини деҳқонлари
беш кунда дефолиация
ни тугаллашди. Мав-
жуд 1213 гектар ерда-
ги пахтазор 6 та ОВХ
пуракагич аппаратлари
ёрдамида ишловдан чи-
қарилиб, Ойбек Тала-
бердиев, Тўрақулди
Хўрамов сингари ме-
ханизаторлар трактор-
ларини юксак унум бил-
ан ишлатиб, барчага
ибрат бўлишди. Уму-
ман, район бўйича ай-
ни кунларда 84 та ОВХ
агрегатлари ишлатил-
моқда. Ҳозиргача 75
процент майдон дефо-
лиация қилинди.

БЕКОВОД

● «ПОБЕДА» колхозида
пахта терими кундан-кунга
қизиб бораляпти. Хўжалик
заршунослари райондаги хў-
жаликлараро ташкил этил-
ган мусобақада ҳам пешқа-
дамлик қилишмоқда. Кол-
хозда айниқса, кўпмингки-
лограммчилар мусобақаси
яхши ташкил этилган. Ўтган
кунги Холбуви Бойтемирова,
хирмонга 260 килограмм
пахта тўкиб, ўзига хос ре-
корд ўрнатди. У мавсумда
10 тонна «оқ олтин» териб
беришга аҳд қилди. Унинг
Ойқарам Жомирзаева, Зул-

фия Ҳамзаева сингари ду-
гоналари ҳам бу йил камида
10 тонналик хирмон уйишга
сўз бердилар.

БУКА

● РАЙОНДА гўза дефо-
лиациясини «Октябрь» 40
йиллиги колхозини деҳқон-
лари биринчи бўлиб якунла-
дилар. 1080 гектар ердаги
гўза тўлиқ ОВХ пуракагичла-
ри ёрдамида ишланди. Ил-
ғор меҳанизатор Абдулжаб-
бор Нурмоновнинг ўзи 360
гектар ердаги гўза баргини
тўктирди.

КОММУНИСТИК

● ЎТГАН кунги районда
дастлабки «оқ олтин» кар-
вои қабул пунктларига йўл
олди. Шу кунги давлатга 21
тоннадан ортиқ пахта топ-
ширилди. Райондаги «Ле-
нинский путь», «Ўзбекис-
тон», «Правда», Свердлов
номи колхозларда пахта
йиғим-терими кундан-кунга
авж олаяпти. Бу йил райо-
нда етиштирилган ҳосилнинг
80 проценти машиналарда
териб олинади.

ПИСКЕНТ

● ОХУНБОВЕВ номли
колхоз пахтакорлари бу йил

етиштирилган ҳосилни ўз
кучлари билан териб олиш
ташаббуси билан чиқдилар.
Бунга асосан терим агрегат-
ларидан самарали фойдала-
ниш ҳисобига эришилди.
Мавжуд 35 та машина мав-
сумга сифатли тайёрланди.
Улар ёрдамида 90 процент
ҳосил терилди. Бу йил хў-
жалик деҳқонлари давлатга
5500 тонна пахта етказиб
берадилар. Айни кунларда
колхозда қўл терими қизган.
Шерали Бекмуродов, Зул-
фия Дадонова, Дилдор Маҳ-
мудова сингари кўпмингки-
лограммчилар кунига 110—
120 килограммдан ошариб
пахта териб, барчага ибрат
бўлишляпти. Уларнинг шу
кунгача уйган хирмонлари
2,5—3 тоннага етиб қолди.

ЯНГИЙЎЛ

● РАЙОН матбу-
от жамаияти пахта йи-
гим-терими мавсуми-
да деҳқонларга наму-
нали хизмат кўрсатиш
учун тадбирлар ишлаб
чиқди. Ана шунга му-
вофиқ 9 та автомага-
зини бу йил график бў-
йича хўжаликларга
қатнайди. Энг муҳим
шунданки, мавжуд авто-
ланкалар саноат ва
бошқа маданий-ман-
сий моллар ташиниш
ихтисослаштирилди.
Масалан, битта кўча
магазини бу йил деҳқон-
ларни фақат китоблар
билан таъминлайди.

Булардан ташқари
район матбуот жа-
маияти 48 та дала шай-
пониде сотувчисини ду-
конлар ташкил этди.

ЧИНОЗ

● МУБОРАК Болтабоева
Охунбобоев номли колхоз-

«ОҚ ОЛТИН» хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ
ЙИЛ 16 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

Биринчи усту — рай-
онлар, иккинчи усту — бир
кунда тайёрланган пахта,
учинчи усту — мавсум бо-
шидан бўён (планга) нисбатан
процент ҳисобиди)

Чиноз	0,72	3,77
Янгийўл	0,54	3,12
Пискент	0,45	2,44
Бекобод	0,45	2,24
Оққўрғон	0,35	1,65
Бўка	0,09	0,41
Ўрта		
Чирчиқ	0,10	0,23
Ғалаба	0,06	0,22
Коммунистик		
Область	0,30	1,45
бўйича		

Дефолиация қандай бораляпти?

КЕЧА областимиз дала-
ларида 711 та ОВХ агрегати
ишлади. Улар ёрдамида 13
минг 611 гектардаги гўза-
лар дефолиация қилинди.
Ҳар бир трактор билан 18
гектарга ишлов берилди.
Мавсум бошидан бўён эса
дори пурақалган майдон 97
минг 450 гектардан ошди.
Ғалаба райони механизатор-
лари дефолиацияни уюш-
қоқлик билан ўтказаяпти-
лар. Кеча улар 2190 гектар
майдонга дори сендилар. Да-
лаларда 121 та агрегатдан
110 таси ишлатилди. Ҳар
бир тракторнинг меҳнат
унумдорлиги 20 гектарданга
тўғри келди. Буқалик пах-
такорлар ҳам бу борада ях-

ши натижаларга эришляпти-
лар. Карталарда ишлаган
96 та агрегатнинг ҳар бири
да ўртача 21 гектардан зиёд
майдонга ишлов берилди.
Кеча Ўрта Чирчиқ райони
пахтазорларида 78 та ОВХ-
нинг 67 тасидан фойдала-
нилди ва 1225 гектар май-
дон дефолиация қилинди.
Мавсум бошидан бўён йил-
лик план 80,6 процентга ба-
жарилди.

Пискент, Бекобод, Чиноз
районларида ҳам дефоли-
ация кўнглидагидек кетаяп-
ти. Бу районларда ҳар бир
трактор ёрдамида кунига 18
—20 гектардан майдонга
ишлов берилаяпти.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР Олий Совети
Президиуми ўн бирин-
чи беш йиллик топши-
риқлари ва социалис-
тик мажбуриятларини
бажаришда эришган
муваффақиятлари учун
СССР Нефтин қайта
ишлаш ва нефть-хи-
мия саноати министр-
лиги ишчилари, инже-
нер-техник ходимлари
ва хизматчиларини
СССР ордени ҳамда
медаллари билан му-
кофотлади.

Тошкент облас-
ти ва Тош-
кент шаҳри бўйича:

ОКТАБР
РЕВОЛЮЦИЯСИ
ОРДЕНИ БИЛАН

Трушечина Валентина
Владимировна — «Ўзбекре-
зистехника» ишлаб чиқариш
бирлашмасининг масте-
ри.

МЕХНАТ ҚИЗИЛ
БАЙРОК ОРДЕНИ
БИЛАН

Искандаров Ином Назаров-
ич — «Ўзбекрезинотехни-

ка» ишлаб чиқариш бирлаш-
масининг бош директори.
Саксонбоева Гулфия Су-
лаймонова — «Ўзбекрезинотех-
ника» ишлаб чиқариш
бирлашмасининг елимлов-
чиси.

ХАЛҚЛАР
ДЎСТЛИГИ
ОРДЕНИ БИЛАН

Емельянова Надежда Ге-
оргиевна — «Ўзбекрезинотех-
ника» ишлаб чиқариш
бирлашмасининг елимлов-
чиси.

Котова Валентина Леонть-
евна — «Ўзбекрезинотехни-
ка» ишлаб чиқариш бирлаш-
масининг партия комитети
секретари.

«ХУРМАТ БЕЛГИСИ»
ОРДЕНИ БИЛАН

Баскаков Евгений Михай-
лович — «Ўзбекрезинотехни-
ка» ишлаб чиқариш бирлаш-
масининг каландр маши-
нисти.

Ғиёсов Миржолал Коми-
лович — «Ўзбекрезинотех-
ника» ишлаб чиқариш бир-

лашмасининг каландрлов-
чиси.
Жўрабоев Саттор — «Ўз-
бекрезинотехника» ишлаб
чиқариш бирлашмасининг
Тошкент резинотехника бу-
юмлари заводи пресслочи-
вуланизатори.

III ДАРАЖАЛИ МЕХНАТ
ШУҲРАТИ ОРДЕНИ
БИЛАН

Нияель Наталья Владими-
ровна — «Ўзбекрезинотехни-
ка» ишлаб чиқариш бирлаш-
масининг елимловчиси.

Хайруллин Ҳасан Темир-
хонович — «Ўзбекрезинотех-
ника» ишлаб чиқариш
бирлашмасининг вулкани-
затори.

Хайбуллин Александр
Александрович — «Ўзбекре-
зинотехника» ишлаб чиқариш
бирлашмасининг Тош-
кент резинотехника буюмла-
ри заводи ваъловчиси.

Шунингдек, меҳнаткаш-
лардан яна 8 киши «Шав-
катли меҳрати учун» медали,
6 киши «Меҳнатда ўрнат-
қан кўрсатилганлиги учун» меда-
ли билан тақдирланди.

ТРАКТОРСОЗЛАРИНИНГ ҚАРДОШЛАРЧА ЁРДАМИ

СССР давлат банки Чер-
нобилда ёрдам фондига сал-
кам 118 минг сўм пул ўтказ-
ган тошкентлик тракторсо-
лар коллективига миннатдор-
чилик изҳор қилди.

Атом электр станциясида
авария юз берганлиги тўғри-
сидаги хабар тарқалган,
«СССР 50 йиллиги» номида
Тошкент трактор заводи»
ишлаб чиқариш бирлашма-
сининг барча цехлари ва бў-
лимларида йиғилишлар бў-
либ ўтди. Тракторсозлар ўз
зиммаларига оширилган со-
циалистик мажбуриятлар қа-
бул қилиб, 904-сўмга икки
кунлик иш ҳақини ўтказиш-
га қарор бердилар.

Бирлашма комсомоллари
тўрт марта шанбалик ўтказ-
дилар. Шанбаликларда иш-
лаб топилган барча маблағ —
ўн янги сўмдан ортиқ пул
Чернобилга жўнатилади.
(ЎзТАГ мухбири).

Тошкент янги демократик
Афғонистон учун курашчилар
— ёш ишчилар, деҳқонлар,
хунарандлар ва студентлар-
ни ҳушудлик билан кутиб
олди. Улар совет ва афғон
ёшлари дўстлиги фестивалига
келишди. Аэропортда меҳмон-
ларни Ўзбекистоннинг йигит-
қизлари, Апрель революцияси
ғалабаларини қаттиқ туриб ҳи-
моя қилишда дўст халқка ёр-
дам берган йўлдошларнинг
жангчилар табриклан кутиб
олдилар.
Икки мамлакат ёшлари Со-
вет Ўрта Осиёсининг меҳмон-
дўст диверсия иккинчи марта
урашмоқдалар. Биринчи дўст-
лик анжумани бундан икки
йил илгари Душанбе шаҳрида

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

«ТРИПТИХ» —

ГАСТРОЛЬ

ПРОГРАММАСИДА

Машҳур драматург В. Шекспирнинг қатор асарлари республикада театрлари репертуарида ҳам муносиб ўрин олган. Алишер Навоий номида Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта опера

ва балет театри коллективи ҳам классик адибодаги мурожат этиб, қизиқарли спектакллари саҳнага олиб чиқди.

Шекспирнинг «Отелло» трагедияси театр актралари ижросида катта маҳорат билан намойиш қилинди. Драматургнинг қатор пьесалари асосида тайёрланган постановка эса «Триптих» деб номланди.

Янги мавсум репертуарида киритилган бу асарлар энг

РАНГ-БАРАНГ СПЕКТАКЛЛАР

Машҳур озарбайжон композитори У. Гажикбековнинг «Аршин малалан» музыкали комедияси ўзбек томошабинига яхши таниш. Бу асар кўлаб театр коллективлари томонидан муваффақиятли саҳналаштирилган.

Муқимий номидаги ўзбек давлат музыкали театри коллективи янги мавсумда қардош республика драматург-

ларининг қатор асарларини ўз репертуарига киритмоқда. Яқинда улар У. Гажикбековнинг музыкали комедиясини саҳналаштиришга киришдилар.

Мустай Каримнинг «Қизнинг ўғирланиши» пьесаси ҳам тез кунларда томошабинларга тақдим этилади.

ЮЗИНЧИ МАРТА

«Илҳом» ёшлар ижодий клуби хаваскорлари томонидан кўлаб машҳур драматург ва ёзувчиларнинг асарлари саҳналаштирилган. Бертольд Брехтнинг «Мещанлар тўйи» пьесаси ҳам секция репертуарида мустақим ўрин олган.

Бу спектакль ёшлар ижодидан ўзига хос талқинини топган. Клубнинг янги мавсуми ана шу асарнинг 100-мартаси кўйилиши билан очилди.

«НАСРИДДИН БУХОРОДА»

ФИЛЬМИ ИТАЛИЯДА

● БУНДАН бир неча йиллар муқаддам «Ўзбекфильм» студиясида суратта олинган «Насриддин Бухорода» фильми нафақат Иттифоқимизда, балки чет эл экранларида ҳам муваффақиятли намойиш этилган эди. Ўзбек миллий киносанъати тарихида

ўзига хос из қолдирган бу бадий лента яқинда Италияда намойиш қилинди.

Италиянинг Пезаро шаҳрида ўтказилган Европа ва Осиё мамлакатлари фильмлари кўригида «Насриддин Бухорода» лентаси муваффақиятли намойиш этилиб, жюри ҳайъатининг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Халқаро кўриқда «Ўзбекфильм» студиясининг «Ичкилоб чавандозлари», «Тошкент — нон шаҳри», «Беруний» каби фильмлари ҳам томошабинлар томонидан илқ кўтиб олинди.

А. АЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

НАТЮРМОРТ ВА КУЛОЛЧИЛИК

АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

НАТЮРМОРТ — тасвирий санъатнинг энг оммавий ва қизиқарли жанрларидан бири. Ҳисобланадиган Унга мурожат қилиб, ўз маҳоратини синов қўрмаган кўлаб устаси деярли учрамади керак. Аммо мазкур, ранг маъмури, мазмун жиҳатидан мукаммал натюрморт яратиш осон эмас.

Шу кунларда Ўзбекистон рассомлар союзининг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган натюрмортлар ва кулолчилик асарлари кўргазмасига республикамиз рассомларининг сўнгги йилларда яратган 300 дан зиёд энг сара тасвирий

ишлари кўйилди. Улар орасида СССР Бадий академиясининг мухбир аъзоси Р. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР халқ рассомлари А. Абдуллаев, Н. Қўзйеов, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоблари — Ж. Умарбеков, С. Абдуллаев, Р. Чориев, уста натюрмортчилар — Ю. Зоркин, Ю. Талдикин, А. Перов, Е. Мельников, Л. Салимжонов, А. Лунев, Я. Салимжонов, И. Турсуновлар ва бошқаларнинг асосли, серияли асарлари бор.

Экспозицияда энг рассомларнинг турли услуб ва маззадаги ранг-баранг ажойиб ишлари ҳам муносиб ўрин олган. Жуда кўпчилик дидар, Айниқса, А. Иромжонов, М. Фаткуллин, М. Тошмуротов, К. Акбаров, О. Тошмуҳамедов, З. Фахридинов каби ижодкорларнинг юксак маҳорат билан бақарилган натюрмортлари кўпчилигининг эътиборини жалб қилмоқда.

Кўргазмани томоша қилишга келган айрим кишилар, шу жумладан, турли корхона ва муассасаларнинг вакиллари бу ерда намойиш этилаётган натюрмортларни белгиланган нархда сотиб олишлари ҳам мумкин.

Б. ТОЖИЕВ,
Халқлар дўстлиги ордени Илҳомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини бадиий-графика факультетининг ўқитувчиси.

Я Қ И Н ҲАМКОРЛИҚДА

● ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 47-ўрта хўнара-техника билим юрти бундан 5 йил аввал ўз фаолиятини бошлаган

ТРАМВАЙДА ЗАВҚЛИ САЁХАТ

● ҚАДИМИЙ ва гўзал Тошкентга ҳар кун кўлаб туристлар ташриф буюришади. Ана шу меҳмонларнинг шаҳримиз билан яқиндан таништириш мақсадида саёхат ва экскурсиялар ташкил этиш яхши йўлга қўйилган. Дам олиш кунлари пойтахтимиз бўйлаб 13 та экскурсия маршрутлари қатнамоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар саёхат ва экскурсиялар бюроси бундай завоқли сайрларни трамвай вагонлари ёрдамида бақарилган режалантирилди. Ў Тошкент темир йўлининг Жанубий вокзалидан бошланиб, шаҳримизнинг кўлаб диққатга сазовор жойларидан ўтади.

Яқин кунларда Тошкент телевидион миносасига саёхат уюштириш учун ҳам алоҳида маршрут ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

БИЛАДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчи Совет навбатдаги қабулини бүгун — 17 сентябрь кунин соат 17.00 дан бошлаб ўтказди. Бу сафар қабулини област 1-нотариал конторасининг бош нотариуси Мамлакат АМИРОВА бошқаради.

Шиноят, ариза ва илтимосномалари бўлган ўртоқлар ана шу қабулхонага келишлари ва ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан мурожат қилишлари мумкин. Келишга имкон тополмаган кишиларга редакция жамоатчи Совети қабулхонаси хат орқали ҳам жавоб беради.

Жамоатчи Совет қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48, 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ СОВЕТ ҚАБУЛХОНАСИ.

ЁЗГИ ВАҚТИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР ягона вақт ва ёта-лон частоталари давлат комиссияси 1986 йил 28 сентябрдан бугун Совет Иттифоқи территориясида ёзги вақт бекор қилинишини маълум қилди.

Ёзги вақтни бекор қилиш 1986 йил 28 сентябрь кунин соат 3 да соат милли. Янги бир соат орқага суриш билан амалга оширилади.

(ТАСС).

ЎҚУВЧИЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БРИГАДАЛАРИ ҲАЕТИДАН

МАКТАБЛАРДА янги ўқув йили бошланиб, пионер лагерлари, санаторий ва профилакторийларда дам олган ўқувчилар, ишлаб чиқариш бригадаларида чинафкан болалар яна синфлар кучогига қайтидилар. Аммо улар ҳамон мароқли ўтган ёзги таътил кунлари ҳақидаги илқ хотиралар билан ўртолқинида давом этмоқдалар. Хусусан, 7-ўрта Чирчиқ районидан К. Е. Ворошилов номида 6-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиларида ташкил топган ишлардан ташкил топган ишлар учун бу давр, айниқса, таассуротларга бой бўлди. Ўзаро социалистик мусобақада голиб чиққан кичик коллективнинг 18 аъзоси Қора денгиз бўйлаб

саёхат қилди. Улар энди бу ҳақда мактабдаги дўстлари, ўртоқларига тўқинланиб сўзлаб бермоқдалар. — Бу саёхатдан жуда мамнунмиз, — дейди ўқувчилар бригадаси бошлиғи Алишер Найманов. — Яхши дам олган, шунга яраша ўқиниш, ишлашга интилимиз. 22 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган бригаданинг аъзолари бу йил 26 центнердан «оқ олтин» ҳосили топиришга аҳд қилишган. Сўзимизнинг устидан чинафка ҳаракат қилишимиз, дарсдан буш вақтларимизни далада ўтказилимиз. Саёхатдан олган таассуротларимиз ишнинг ривожига ижобий таъсир қилипти.

К. РАЙИМКУЛОВА,
ТошДУ студенти.



Т В

БУГУН

● МТ I
15.00 Янгиланган. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Хужжатли фильмлар: «Семен Станиславскийнинг театр ҳаёти» (Шарқий Сибирь кинохроника студияси). «Жанубда яшовчи шимоллик» («Экран»). «Экспресс» (Владивосток). 16.20 Грузин халқ рақслари. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 16.55 «Икки артак». Мультифильм. 17.10 Мухбирларимиз ҳисоя қилишлари. 17.40 «Сакраш ҳуку» (Маткаб ўқувчиларининг генерал-лейтенант, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, ВЛКСМ Марказий Комитети ҳузуридаги олий комсомол

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Қўшнчилар». Хужжатли фильм (Литва кинохроникаси). 9.30, 10.35 Жамиятшунослик. 10-синф. Фалсафанинг асосий масаласи. «Диалектик материализмнинг бошланиши» мавзусида. 10.03, 14.10 Немис тили. 1-йил шуғулланганлар учун 2-кўрсатув. 11.05 СПТУ ўқувчиларига билимий турмуш эти-ласи ва психологияси. Ойлаб психология мукит. 11.35, 12.40 Умумий биология. 9-синф. Турларнинг кртерияси ва структураси. 12.05 П. Тичина поэзияси. Ўқитувчи экрани. 13.10 А. С. Пушкин. «Капитан қиз». 7-синф. 13.40 Тарих. 6-синф. Ўрта аср қишлоғи

18.30 Янгиланган. 18.45 «Искон ва қонун». 19.20 Золтан Кочич Ф. Шопен асарларини чалади. Венгриядан олиб кўрсатилади.

МТ III

19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичиктоялар!». «Қандай қилиб катта бўлиш мумкин». Мильфильм. 20.50 «Хамбўстелик». Телевизион журнал. 21.20 Я. Томп номида Маданият саройининг «Ноорус» ёшлар хори кўйидаи (Таллин). 21.30 «ВРЕМЯ». 22.00 «Печкачилар». Телевизион бадий фильм («Экран»).

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 Табиатшунослик. 3-синф. Ўзбекистоннинг маданий ўсимликлари. 17.05 «Сирли лимон». «Хотираларда тўрт юз йиллик». Илмий-оммабоп фильмлар. 17.30 Химия. 9-синф. Тузаларнинг гидролиз. 18.00 Янгиланган. 18.10 СССР халқлари IX Етти спартакиадада программаларидаги энгил ади-летика мусобақаларининг тантанали очилишига бағишланган бадий-спорт байрами.

МТ IV

«Пахтакор» Марказий стадионидан ёзиб олинган репортаж. 19.30 «АХБОР». 19.50 «Саодат» адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий хотин-қизлар журнали. — бизнинг меҳмонимиз. 20.20 «Аччиқ мева». Ичкилик бозиликнинг зарари ҳақида хужжатли фильм. 20.30 «АХБОР». 20.50 Атеистик мавзуда кўрсатув. 21.20 «Наштар». Ҳажвий киножурнал. 21.30 Москва. «ВРЕМЯ». 22.00 Экранимизда биринчи марта. «Омондан тушган мерос». Кинокомедия («Мосфильм»). 23.10 Кўрсатувлар программаси.

19.30 «Пионер телетайпи» (тасвирли). 19.40 «Афғонистон. 1985 йил кизи». Хужжатли фильм («Экранхроника»). 20.00 Болалар учун концерт. 20.35 Ритмик гимнастика. 20.55 «Совет турмуш тарзи» Кинопрограмма. 21.30 Москва. «ВРЕМЯ».

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, КОРХОНА ВА
ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИККАТИГА!

Ёнғин хавфсизлиги ҳақида эслатма

Ўлкамизда халқимизнинг фахри ҳисобланган «оқ олтин» йиғим-терими бошланиб кетди. Ҳар галгидек бу йил ҳам неча минглаб шаҳарлик ёрдамчилар пахта йиғим-теримида иштирок этадилар. Уларнинг кўллари бу йил биринчи марта пахта далаларига чиқишади.

ШУНИНГ УЧУН ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ИЖРОЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНГИНДАН МУҲОФАЗА БЎЛИМИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ

биринчи марта пахта йиғим-теримига чиқувчилар учун пахтани ёнғиндан сақлаш, ёрдамга чиққанлар вақтинча яшайдиган хоналарда ёнғин чиқиши олдини олиш мақсадида

ЁРДАМЧИЛАР ВАҚТИНЧА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЖОЛАРДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОНДАЛАРИ ҲАҚИДА

ЭСЛАТИВ ЭТАДИ:

— одамлар яшайдиган жойлар ёнғин хавфсизлиги барча талабларига тўла жавоб бериши ва ёнғин чиққан тақдирда бонг уриш (рельс бўлаги, қўнғироқ ва шу кабилар) учун махсус ёнғин қурилимаси бўлиши лозим;

— ўтин учирини мақсадларда ҳар бир дала шийлони, барак ёки бошқа хоналарда сув запаси бўлиши лозим; рухсат этилади;

— чинафка фақат алоҳида ажратилган ерлардагина рухсат этилади;

— одамлар жойлашадиган хоналарнинг ёноч конструкциялари ёнғиндан ҳимоя состави билан ишланиши лозим;

— қўлда ясалган иситиш асбобларидан фойдаланиш ман этилади;

— хоналарни бўлиналарга ажратиш учун ёнғинчи тўсиқлар ва пардалар билан ажратишга рухсат этилмайди;

— носоз электр симларидан фойдаланиш, электр лампаларини қорғоз ёки латта-пўтталар билан ўраш ман қилинади;

— ёқилган печаларни қаровсиз қолдиришга йўл қўймаслик, печаларни уч соатдан ортиқ вақт ёқмаслик;

— ҳар бир алоҳида хонада бир донга ўт учирини қуриламаси бўлиши ва 200 литрдан кам бўлмаган миқдорда сув жамғирлаб қўйилиши лозим;

— ёнғин чиққан тақдирда бригадаларнинг раҳбарлари қўйидагиларга амал қилишлари лозим;

— зудлик билан бу ҳақда яқин орадаги ўт ўчириш қисмига хабар қилиш;

— одамларни эвакуация қилиш;

— ўз кучлари билан ўт ўчиришга киришиш, ёнғиннинг қўшни қўрилишларга ўтишига йўл қўймаслик.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ЧОРАЛАРИГА РИОЯ ЭТИНГ!

БУ — БИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ИЖРОЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНГИНДАН МУҲОФАЗА БЎЛИМИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

19 СЕНТЯБРЬ—28 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ

МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Жаҳон, Европа ва Олимпиада чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

МАРИНА ЧЕРКАСОВА

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар

Владимир ЛУЗИН ва Зояфр ШОКИРОВ,

уч қарра СССР чемпиони

Людмила БАКУНИНА.

Икки қарра СССР чемпиони, Европа биринчилигининг бронза медали совриндори Татьяна ВОЙТЮК ва бошқалар қатнашадилар.

Постановкачи — СССР халқ артисти, СССР давлат мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қахрамони Михаил ГОДЕНКО.

Бош дирижёр — Иосиф ПИЧХАДЗЕ.

Томошалар — 19, 22, 23, 24, 25, 26 сентябрь соат 20.00 да; 20, 21, 27, 28 сентябрь соат 17.00 ва 20.00 да бошланади.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ ВА «ЎЗБЕККОНЦЕРТ» КАССАЛАРИДА ҲАМДА РАЙОН КАССИРЛАРИ ТОМОНИДАН СОТИЛАДИ.

ЕТТИ МАРТА


КАТТА КЎРСАТАДИ

БПЧ 7х35 ДУРБИНИ ОЛИСДАГИ МАНЗАРАЛАРНИ ЕТТИ МАРТА ЯҚИНЛАШТИРИБ КЎРСАТАДИ.

БУ ДУРБИН САФАРДА ВА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА МУНОСИБ ҲАМРОҲ БЎЛАДИ.

Равшан кўзгуси туйғали хира ёритилган жойларда ва ҳаво бўлутли пайтда ҳам кўзатиш ишларини олиб бориш мумкин.

ДУРБИН ЯҚИН МАСОФАДАН ОЛИС ЖОЙГА ТЕЗ МОСЛАШТИРИЛАДИ.
«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТФОК БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

«Ташкентская правда»

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:

700083, ТОШКЕНТ

ЛЕНИНГРАД

КЎЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; туғни навабатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.